

ЧОРВА ҲАЙВОНЛАРИ ОРАСИДА УЧРАЙДИГАН ДИПЛОКОККОЗ ВА ПАСТЕРЕЛЛЁЗНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ.

И.Д.Шералиева

Кичик илмий ходим

А.А.Абдусатторов

Вет. фан. доктори, профессор

Ветеринария илмий - тадқиқот институти

Аннотация: Ушбу мақолада чорва ҳайвонлари орасида учрайдиган диплококкоз ва пастереллёз касалликларининг аралаш ҳолда учраши ва кенг тарқалиши, уларга ташхис қўйиш, клиник белгилари, даволаш ва олдини олиш ҳамда аниқлаш усуллари келтирилган.

Аннотация: В статье приведены данные по смешанному течению и широкому распространению диплококкоза и пастереллёза среди скота, клинические признаки, методы диагностики, лечения и профилактики, а также лаборатория исследования по данным заболеваний.

Калит сўзлар: микробиология, пастереллёз, диплококкоз, эпизоотология, даволаш, патологоанатомик ўзгаришлар, клиник белгилар, ташхис қўйиш, вакцина.

Кириш: Республикамиз Президентининг 2008 йил 21-апрелдаги ПҚ-842 сонли “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш, уни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори асосида қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини ва гўшт -сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш мақсадида чорвачиликни ривожлантириш ва ҳалқимизнинг чорва маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»¹ги ПФ-5696-сонли қарори, 2019 йил 28 март «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ мазкур соҳага доир бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари: Диплококкоз - қишлоқ хўжалиги ва ёввойи ҳайвонларнинг юқумли бактериал касаллигидир (кўзгатувчиси *Diplococcus lanceolatum*). Касаллик йилнинг деярли ҳамма фаслларида, айниқса қиш ва баҳор ойларида кўпроқ, учрайди. Касаллик асосан ҳайвонларда ўта ўткир, ўткир, ярим ўткир шаклларда кечиби, ўпка ва ичакларда яллиғланишлар, сепсис, артрит, лимфа тизимининг жароҳатланишлари билан кечади ҳамда 70 - 75 % ўлим билан тугайди. (А.А.Чепуров, А.В. Черкасова). Касалланган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сон Фармони.

хайвонларда тана ҳароратининг 41 - 42°C гача ошиши, нафас олишнинг қийинлашуви, ҳолсизланиш, бурундан кўпикли - йирингли суюқлик оқиши кузатилади. Клиник белгилар кузатилганда ветеринария ёрдами ўз вақтида кўрсатилмаса, касалланган хайвонлар нобуд бўлади. Касал хайвонларни даволаш ва қарши курашиш чора - тадбирлари учун катта маблағ сарфланади. Диплококкоз билан асосан бузоқлар, қўзилар ва чўчқа болалари касалланади ва 70 - 75 % ўлим билан кечади. Касалланиб тузалган хайвонлар ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади ҳамда диплококк ташувчиси бўлиб ҳисобланади.

Пастереллёз қишлоқ хўжалик хайвонлари ва паррандаларнинг ўта ўткир, ўткир ва ярим ўткир шаклларда кечувчи юқумли касаллигидир (қўзғатувчиси *Pasteurella multocida*). Касалланган хайвонлар тана ҳароратининг ошиши, йўтал, қонли ич кетиши, ичаклар шиллиқ пардаларида қон қўйилишлар кузатилади.

Клиник белгилари: Аралаш ҳолда кечадиган касалликларда клиник белгилар касалликнинг оқимиға ва қўзғатувчиларнинг вирулентлигига қараб ўзгаради. Диплококкоз ва пастереллёз қўзғатувчилари бир организмда учраганда уларнинг клиник белгилари ўзгаради. Яъни организмда ҳолсизланиш, қалтираш, озуқадан бош тортишлар бўлиб, куннинг иккинчи кунда хиррилланиш, шиллиқ пардаларнинг қизариши, тана ҳароратининг 42,0 - 42,5°C гача кўтарилиши ва қонли ич кетиш билан кузатилади.

Патанатомик ўзгаришлари: Касалликларга аниқ ташхис қўйиш ва тавсиялар дастлабки анамнез маълумотлари, клиник белгилари, сўнгра патологоанатомик ўзгаришлари ва бактериологик текширишлар натижасига асосланиб белгиланади. Аралаш касаллик билан касалланиб ўлган хайвон патологоанатомик ёриб кўрилганда ингичка ичак, баъзан ширдоннинг ҳам шиллиқ пардасида нуқтали майда доғли қон қўйилишлари кўринади, юракнинг катталашганлиги ва нуқтали қон қўйилишларнинг кучайганлиги, ўпкада эса бронх ва альвеолалар бўшлиқларида кўпикли шилимшиқ қон аралаш модданинг тўпланганлиги кўзга ташланади. Булардан ташқари, асосий ўзгаришлар талокда бўлиб унинг ҳажми нисбатан катталашган ва резинасимон, талок қирраларида нуқтали қон қўйилишлар кузатилади. Бактериологик текширишлар учун ГПБ, ГПА ва 5 % қон зардобли ГПА, 5 % қон зардобли ГПБ озуқа муҳитларига намуналари экилиб, +37,0 - +37,5°C термостатда сақланади. Кузатиш даврида ўсган культуралар хиралашади ва улардан суртмалар тайёрланиб, Грамм усулида бўялади. Микроскопик текширишлар натижасида диплококк ва пастерелла қўзғатувчилари ажратилади.

Материаллар ва методлар: Юқорида таъкидланган муаммолардан келиб чиқиб, ветеринария илмий-тадқиқот институти ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораториясида қўзилар диплококкоз ва пастереллёз касалликларининг олдини олиш мақсадида мазкур касалликлар қўзғатувчиларининг маҳаллий штаммлари культураларидан фойдаланиб, поливалент экспериментал ГОА формол вакцина ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқарилган вакцинанинг стериллигини аниқлаш учун ГПБ, ГПА, 5 % қон зардобли ГПА, Китт-Тароцци озуқа муҳитларига экилди ва + 37,0°C - +38,0°C да термостатда 10 кун давомида сақланди. Ушбу вакцинани зарарсизлигини аниқлаш учун 10 бош оқ сичқонга 0,5 мл дан ва 4 бош қўзига 3 мл дан тери остига инъекция қилинди. Вакцина қилинган хайвонлар 10 кун давомида кузатилди. Кузатиш давомида вакцина намуналари экилган озуқа муҳитлар стерил эканлиги, вакцина инъекция қилинган хайвонлар тирик ва касаллик аломатлари йўқ эканлиги аниқланди.

Даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари: Қўзиларнинг диплококкоз ва пастереллёз аралаш кечишининг олдини олиш ва даволаш мақсадида чорвачилик бўйича фермер хўжаликлари мутахассисларига тавсиялар:

-диплококкоз ва пастереллёз билан касалланган хайвонлар алоҳида ажратилади ва гипериммун қон зардобли даволаш дозасида (1,5 - 2 мл кг) юборилади ҳамда қўйидаги

антибиотиклар қўлланилади: энрофлоксин, стрептомицин, биомицин симптоматик воситалардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади;

-гипериммун қон зардоби қўлланилгандан сўнг 4 - 5 кун ўтгач эмлаш ёшига етган барча ҳайвонларни диплококкоз ва пастереллёзга қарши эмлаш мақсадга мувофиқдир;

-қўй - қўзилар диплококкоз ва пастереллёзининг олдини олиш учун Ветеринария илмий - тадқиқот институтида яратилган янги “Қўйларнинг диплококкоз ва пастереллёз касалликларига қарши ассоциацияланган ГОА формол вакцина”ни қорақўлчилик ва чорвачилик фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли қўй - қўзиларида кенг қўламда фойдаланиш тавсия этилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, диплококкоз ва пастереллёз касалликлари хўжаликларда тез - тез учраб турибди. Уларни аниқлаш ва даволаш учун кўп миқдорда маблағ сарф бўлади, аммо касалликларни ўз вақтида олди олинса ва вакцинация ишлари ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Касалликларни олдини олиш мақсадида юқорида номи қайд этилган вакцинадан фойдаланиш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдалимов С.Х., Элмуродов Б.А “Диплококкоз”. “Зооветеринария”, нишона сони. 2007, 18 бет.
2. Ибадуллаев Ф.И. “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг патологик анатомияси” Тошкент “Ўзбекистон”, 2000 й.
3. Махматкулов М.А., Ибадуллаев Ф.И., Элмуродов Б.А. “Қўйлар экспериментал диплококкозида кузатилган патоморфологик ўзгаришлар”// Конф. маъруза. матнининг тўплами. Самарқанд 2001, 97 - 98 бет.
4. Чепуров.К.П., Черкасова А.В. “Диплококковые и стрептококковые заболевания животных” Киев. 1963, 160 с.
5. Чепуров.К.П “Диплококковые заболевания сельскохозяйственных животных”. Благовещенск. 1954.
6. Элмуродов Б.А., Абдалимов С.Х. “ Қўй ва қўзилар диплококкози”. Конф. маъруза. матнининг тўплами. Самарқанд. 2006, 25 - 26 бет.